

## Муқаддас қадамжоларга саёҳат

Янги ўқув йилида “Ер ресурсларини бошқариш” факультетида ўқишига кирган талабалар сони 300 нафарни ташкил қилиб, 15 та гуруҳларга бўлинди. Уларга гуруҳ мураббийлари тайинланиб, ҳар бир гуруҳ мураббий гуруҳ талабаларини институт билан танишириув дасрлари ўтилди. Биринчи курсларга институтнинг олий талим муассасасининг одоб-ахлоқ қоидалари тўғрисидаги тўпламлар, институтнинг тарихи тўғрисида маълумотлар тарқатилди. Мустақил дарсликлар ўтилди. Институтнинг ички тартиб қоидалари тўғрисида тушунчалар берилди. Шунингдек, факультет гуруҳ мураббийлар гуруҳ талабалари билан пойтахтимиздаги барча қадамжолар зиёрат жойлари ҳамда музейларга саёҳатлар уюштиришди. Ҳафта мобайнида Ботаника боғи, Ўзбекистон санъат галереяси, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Ўзбекистон тарихи музейи, Адиблар хиёбони, Ислом Каримов музейи, Тошкент сити мажмуаси, Олимпия шон-шуҳрат музейи, Ҳумо Арена, Темурийлар музейи, Политехника музейи, Қуролли кучлар музейи, Ислом цивилизацияси маркази, Қатағон қурбонлари музейи, Халқ амалий санъати музейи музейларига ташриф буоришилар. Ташрифдан мақсад ёшларни ўз тарихини билиш, миллий ва умумбашарий қадриятларимизни авайлаб асраш каби инсоний меҳр-муҳаббатни қалбига мустаҳкамлашдир.



ТИҚХММИ матбуот хизмати